
ЭКОШАҲАРДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЯКУНИЙ БОСҚИЧГА КИРДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳарда – “Янги Ўзбекистон” массивида бўлиб, қурилиш ишларининг бориши билан танишди.

300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарчани бунёд этиш ишларининг дастлабки босқичи якуний паллага кирди. Жорий йилда Экошаҳарда жами 73 та кўп қаватли уйлар барпо этилаётган бўлиб, ҳозирги кунда 15 таси тўла фойдаланишга топширилди, қолганларида қурилиш-монтаж ишлари тугалланиб, ички пардозлаш ва ташқи фасад ишлари олиб борилмоқда.

Экошаҳар ҳудудида 3 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та умумтаълим мактаби ҳамда 1 та қатновли поликлиника бинолари қуриб, фойдаланишга қабул қилинди. 4000 ўринли амфитеатр қурилиши якунланмоқда.

Экошаҳарнинг ички муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортиш ишлари битказилди, иссиқлик таъминоти учун қозонхона биноси қурилиши якунига етди, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортиш бўйича ишлар ҳам жадал якунланмоқда. Ички йўллارни барпо этиш ишлари бошланди.

Вилоят раҳбари масъуллар ва қурувчилар билан суҳбатлашиб, ҳар бир объект бўйича қурилиш ишларининг боришини бирма бир жойида муҳокама қилди. Болалар майдончалари, спорт майдончалари, яшил ҳудудлар барпо этиш ишларини сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-18 19:20:32